

**ЁШЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
МУАММОЛАРИ,
САБАБ ВА ЕЧИМЛАР**



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

ЁШЛАРГА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

«ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ,
САБАБ ВА ЕЧИМЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Мақолалар тўплами

Тошкент-2020

Ёшларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, сабаб ва ечимлари

<i>Bo'riboyeva N.</i>	Umumta'lim mabkablaridagi ijtimoiy-psixologik muammlar va ularni bartaraf etish yo'llari	70
<i>Ganiyeva D.</i>		
<i>Sotvoldiyeva G.</i>	Giperaktiv bolalar bilan ishlashning psixologik omillari	71
<i>Igamberdiyeva Sh.</i>		
<i>Doniyorova G.</i>	Kichik maktab yoshi inqirozi va uni oldini olish hamda bartaraf etishda psixologik treininglarning ahaliyati	73
<i>Sharipova N.H.</i>	O'ilalarda emotsiyal intellektning o'ziga xosligi	75
<i>Курбонова Н.Б.</i>	Ёшларни "оммавий маданият" таъсиридан асройлик	78
<i>Федюнина Д.С.</i>	Социально-психологические проблемы у молодежи и пути их решения	81
<i>Ахмадов Д.Ж.</i>	Камондан ўқ отиши спортида психологияк тайёргарликнинг ўрни.	83
<i>Саматова М.Т.</i>	Илк таълим-тарбиянинг шахс камолотидаги ўрни	86
<i>Мухторова Н.А.</i>	Интернетнинг ёшлар манзаний-ахлоқий ҳаётига таъсири	89
<i>Итматов J.R.</i>	Voyaga yetmagan o'smirlarning xulq-atvoridagi muqsonlarni tuzatishda psixologik yondoshuv	91
<i>Азимова Н.И.</i>	Мактаб ва онлалардаги ижтимоий-психологик мухитни соғломлаштириши юзасидан тактиф ва тавсиялар	93
<i>Тогаева А.К.</i>	Фарзандлари ўз жоннига қасд килишининг оддинни олиш учун ота-оналар нима килишлари мумкин	95
<i>Баратова Б.С.</i>	Бола тарбияси ва унга бўлган психологик ёндашув	97
<i>Абдусаматов А.А.</i>	"Кўчадаги дўстлар" қачон пайдо бўлади?	99
<i>Жийранова Э.А.</i>		
<i>Саидова Ф.М.</i>	Ўсмирилар хулқида учрайдиган салбий хусусиятлар ва уларни бартараф этишда эътибор бериши керак бўладиган жиҳатлар	100
<i>Тўхтамова Д.И.</i>		
<i>Рахимова Да.</i>	Ўзлаштириши паст болалар сабаблари	103
<i>Абдуллаева В.З.</i>	Ёшларнинг дунёқараси ва хулқ-атворига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар	104
<i>Акбарова Д.</i>	Ўсмириларга хос агрессив хулқининг ижтимоий-психологик омиллари	109
<i>Нематова Р.Р.</i>	Ёшларда ўз-ўзинни психологик муҳофаза килиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришининг илмий-амалий жиҳатлари	111
<i>Бахриева Н.А.</i>		
<i>Zuhurova D.A.</i>	IQ nima va bu ko'rsatkich hayotimizga qanday ta'sir qiladi?	113
<i>Mamatjonova R.A.</i>	Xulqi og'uvchanlikni namoyon qiluvchi psixologik xususiyatlar va ularni bartaraf etish yo'llari	115
<i>Mamatdalyev F.</i>	Axloqiy tarbiya - shaxs ma'naviy-ruhiy kamolotining asosi	117
<i>Ганиева Г.В.</i>	Ёшларда онлавий ҳаётга доир кўнкимга ва малакаларни шакллантириш	119
<i>Амрииддинов А.З.</i>		
<i>Назарова Ш.А.</i>	Оиласда бола психологияси ва тарбияси юзасидан ота-оналар учун психологик тавсиялар	120
<i>Ro'ziboyeva A.A.</i>	Yoshlarning dunyoqarashi va xulq-atvoriga ta'sir etuvchi ijtimoiy psixologik omillar	123
<i>Сайфутдинова Б.</i>	Ёшларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, сабаб ва ечимлари	126
<i>Ganiyeva G.V.</i>	Ustoz - shogird tizimida yoshlar tarbiyasining ma'naviy kamolligini rivojlantirish	130
<i>Rustamova Sh.O.</i>		
<i>Muxamedjanova K.</i>	Deviant va delenkvent xulq-atvor haqida tushunchalar	132
<i>Hasanova D.A.</i>	Nikoh oldi omillari haqida yoshlar tasavvurlarini shakllantirish	135
<i>Rajabova X.M.</i>	Kichik maktab yoshlidiagi o'quvchilar xotirasasi xususiyatlari	137
<i>Ботирова Г.И.</i>	Коронавирус сабабли юзага келган карантин даврида парадоинтал бузилишлар профилактикаси бўйича психологик	140

Ёшларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, сабаб ва ечимлари

ҳаракатлар ўсмириңнинг ёшга боғлиқ хусусияти эканлиги; б) ўсмир агрессивлиги атрофидаги яқинлари томонидан химоясизлиги; в) балоғат ёшидаги хатти-харакатнинг агрессивлиги унинг тенгдошлари гурухига боғлиқли; г) педагогларнинг тарбияси “кайин” болалар билан қоникарли бўлмаган ўзаро муносабатлар натижаси; д) ниҳоят, онлада ота-оналарнинг муомала ва тарбия усусларини кўллашдаги “кемтиклик”лардир.

Демак, айтиш мумкинки, ўсмирилик даврига хос агрессив хулкни келтириб чиқарувчи асосий сабабларни ўз вақтида аниқлаш, уни бартараф этишининг оқилона йўлларини ажратиш, педагог ва ота-оналар ҳамкорлигини йўлга кўйиш, психолог томонидан таълим субъектлари бўлмиш педагог, ота-она, ўсмиrlар гурухида психологик консультацияларни ташкил этиш ва психологик коррекцион тадбирларни ташкил этиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Бандура А., Уолтерс Р. Подростковая агрессия. М.: Апрель – Пресс, 2000.

Реан А.А. Подростковая агрессия. М. 2000.

Тўлаганова. Г.К. Тарбияси кийин ўсмиrlар. Т.: “Университет” 2005.

ЁШЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ ПСИХОЛОГИК МУХОФАЗА ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Нематова Райима Раджабовна, Баҳриева Наргиза Аҳмадовна
Бухоро давлат университети, Психология кафедраси ўқитувчилари*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик орқали тарихий ривожланишнинг янги даврига ўтгаётган бир вақтда ўсиб келаётган баркамол ёш авлоднинг ижтимоий шахс сифатидаги фаоллигини таъминлаш Давлатимиз ва буюк келажагимиз олдидағи муҳим вазифалардан биридир. Қолаверса, бугунги кунда келажагимиз бўлган ёшларнинг қандай мафкура ва гояга мойиллиги, уларнинг онгида бевоста шаклланадиган ўй фикрлар, ўзи ва ўз имкониятлари ҳақидаги психологик тасаввурлар кўламини илмий асосда ўрганиши, таҳдил қилиши, тегишли тавсияларни ишлаб чиқиши ҳаётий заруратдир. Маълумки, психологик муҳофаза мезонларини илмий жиҳатдан тўғри танлаш, тушуниш ва тадқиқ қилиш шахс ва фаолият йўгунилгини таъминлашга хизмат килувчи психологик муҳофаза имкониятларини камол топтиришда муҳим аҳамият қасб этади.

Психологик лугатда қайд этилишича, “Психологик муҳофаза маълум зиддиятли ҳолатларга тушмаслик учун ўз-ўзини билиш ва идора қила олиш жараёнидир. Психологик химоянинг асосий вазифаси инсон онгидаги турли хил салбий таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ шахс безовталигини бартараф этишга хизмат қилишадир” Психологик муҳофаза шахснинг ҳар қандай хулқ-атвор йўналишларида намоён бўлиши ва шахсни турли хил ноадекват фаолият иллатларидан саклаб қолиши мумкин (Б.В.Зейгарник, Б.С.Ератус).

Илмий адабиётларда психологик химоя механизmlари (перцептив тизим, идентификация), ўз-ўзини адекват бошқарув, онгли “менлик” каби кўринишлари ҳақида кўшина назарий-илмий мулоҳазалар мавжуд. (Г.М.Андреева А. В.Петровский О.А.Конопкин Ж.Брунер) Яна шуни қайд этиши керакки, психологик химоя муаммоси, “Психологик лугатда” қайд этилишича фан оламида илк бор фрейдизм томонидан онгсизлик ва инстинктив ҳолатларни (асосан жинсий) бартараф этишга қаратилган онгли “Менлик” (ички “цензура”) ни намоён қила олиш жараёни психологик химоя

Ёшларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, сабаб ва ечимлари

сифатида ўрганилган ва тадқиқ килинган. Лекин, олимларнинг фикрича (Ш.Р.Баротов, Э.Мухторов) “психологик ҳимоя” тушунчаси, унинг мазмунни ва моҳияти, фрейдизмдан бир неча асрлар илгариёқ Гиппократ, (э.о.460-377) Ибн Сино, Берунийлар замонида илк бор тадқиқ килинган ва бу борада тегишли илмий-амалий муроҳазалар кайд этиб ўтилган. Масалан, Гиппократ ўзининг фан оламидаги илк бор тадқиқ қилинган индивидуал фарқданишнинг табиий-илмий назариясида ҳар бир инсоннинг ўзига хос ва бетакрор ҳиссий бошқарув ҳусусиятлари бўладики, унда ҳаётда одамлар билан мулоккотда ва бирга фаолият жараёнларида унумли фойдаланиш зарурлигини ва бу маъдум маънодаги психологик ҳимоя воситаси эканлигини уқтиради. Буюк мутафаккир Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”да эса ҳар бир инсоннинг мижози ва бу мижозга мос ҳаракатлар мажмуасининг батағсил ишлаб чиққанлигини психологик ҳимоя воситаси сифатида талқин қилиш мумкин.

Психологик ҳимоянинг ижтимоий-психологик қимматга эга бўлган эмпирик кафолати гурух аъзоси сифатида ўзини адекват ҳис эта олиш, ўз-ўзини адекват баҳолай олиш, муваффакиятли фаолият кўрсатиш, керагидан ортиқ безовталиқ, асабийлик ва ҳиссий зўрикишларга дучор бўлмаслик каби хислатларда яккол намоён этилади. Мазкур фикрларни умумлаштириб айтиш мумкини, у ёки бу шахсдаги психологик муҳофаза имкониятлари ҳакида тегишли маълумотга эга бўлиш учун, даставвал ундан месъерий ҳиссий фаолликнинг, ўз-ўзини англашнинг, ўз-ўзига муносабатларнинг, ўз-ўзини муваффакиятли идора қила олишнинг фаолият жараённада не чоғлик таркиб топаётганинги ўрганиш ва тадқиқ қилишга тўғри келади. Айни пайтда, бу жараён таълим ва меҳнат муассасаларида ташкил этилган психологик хизмат ва унинг самарадорлигини белгиловчи мезон ҳам бўлиши мумкин. Чунки, ташкил этилган психологик хизмат жараённи ҳар бир ўқувчини ёки ишчи-ходимни ўз-ўзини англашга, ўз-ўзини муваффакиятли идора қилишга, ўз-ўзидан фахрланишга ва ўз имкониятларини тўла-тўқис ишга солишга кўмаклашмас экан бундай психологик хизматнинг ижтимоий қиммати ҳакида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Албатта, шахс тарбиясини тўғри ташкил этиш борасида жуда кўплаб тавсиялар, илмий фаразлар, услубий кўлланмалар ва йўлланмалар мавжуд. Бу ўринда мактабда олиб борилаётган психологик хизмат тизимининг алоҳида ўрни бор.

Мактаб психологларига психологик муҳофаза бўйича куйидаги ишларни амалга оширишлари тавсия этилади:

1. Ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлаш дастурини ишлаб чиқиш ва шахс харитасини тўлдириш.
2. Психопрофилактик ишлар, яъни ўқувчи шахсига ижобий, салбий таъсир этувчи омиллар кўламини белгилаш. Бунда ҳар бир ўқувчи шахсидаги стресс ҳолатига олиб келувчи вазиятларни олдиндан билиш ва бартараф этиш чораларни кўриш.
3. Психодиагностик ишларни тўғри ташкил этиш. Яъни ўқувчи шахси фаолиятига ва фаоллигига тўғри ташхис қўйиш. Шу ташхис асосида ўқувчининг кейинги муваффакиятли фаолият босқичларни белгилаб бориш.
4. Психокоррекцион (психологик тузатиш) ишлари. Бунда ҳар бир ўқувчи шахсидаги жисмоний, аклий ва маънавий жиҳатдан ижобий психологик таъсирга муҳтоҷ бўлган ҳолатларни тегишли психологик тренинглар (муолажалар) асосида бартараф этиш. Чунки, ўз вақтида бартараф этилмаган ҳар бир психологик ҳодиса кейинчалик ўқувчи шахсида ва унинг фаолиятида маълум салбий асоратлар қолдириши мумкин.

Ёшларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, сабаб ва ечимлари

5. Психологик консультация (маслаҳат). Бунда ўқувчи шахсига ёш индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб вакти-вакти билан тегишли психологик маслаҳатлар бериб бориши кўзда тутилади. Чунончи, ҳар бир психологик маслаҳат маълум ижтимоий фаол вазифани бажариши ва ўқувчи шахсидаги ижобий ўзгаришларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши муқаррар.

6. Ўз-ўзини психологик тарбиялашга ўргатиш. Бунда ҳар бир ўқувчидаги психологик имкониятлар захираси ўрганилади. Шунингдек, ўқувчини ўз - ўзини адекват баҳолашга, ўз-ўзини идора қилишга, ўз - ўзини муваффакиятли бошқаришга, ўз-ўзини касбий ўйналтиришга бўлган барча кучлари сафарбар этилади. Ўқувчи шахсидаги барча ижтимоий сифатлар баркарорлаштирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, умумтаълим мактабларида ташкил этилаётган психологик хизмат тизими аксарият ҳолларда таълим фаодиятига жалб қилинган ҳар бир ўқувчининг ўзига хос бетакрор олами-индивидуал психологик хусусиятлари, имкониятлари ва иктидор куртакларини ўрганиши, таҳлил қилиш ва шу асосда психологик ҳимояни тарбиялаш, самараали таълим-тарбия усулларини қўдлаш учун шахс ва фаолият ўйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи келажаги буюк Ўзбекистон истиқболига хос ижтимоий қимматли замин ҳозирлаб бериш билан алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўз-ўзини тарбиялашдаги муаммолар. Ҳошимова М. Педагогик маҳорат журнали. 2006 йил. 2-сон. 26-29 бетлар.
2. Давлетшин М.Г. Ёш даврлар ва педагогик психология. Тошкент. 2002.
3. "Психологик муҳофаза шахсни ривожлантириш мезони сифатида". Ш.Р.Баротов. Э.Мухторов. "Таълим муассасаларида ўқувчи талабалар шахсини ривожлантиришнинг долзарб психологик-педагогик муаммолари" мавзусидаги республика назарий ва илмий-амалий конференцияси материаллари. III китоб Бухоро-2006 йил. 30-31 май.
4. Каримова В.М. "Ижтимоий психология ва амалиёт" Тошкент. 1998.

IQ NIMA VA BU KO'RSATKICH HAYOTIMIZGA QANDAY TA'SIR QILADI?

*Zuhurova Dilrabo Abdulaziz qizi
O'ZMU Psixologiya (faoliyat turlari) 2-kurs magistranti*

Avvalom bor intellekt tushunchasiga to'xtalib o'tadigan bo'lsak, intellekt bu - (lot. intellects — bilish, tushunish, idrok qilish) — insonning aqliy qobiliyati; hayotni, atrof muhitni ongda aynan aks ettirish va o'zgartirish, fikrlash, o'qish-o'rghanish, dunyoni bilish va ijtimoiy tajribani qabul qilish qobiliyati; turli masalalarni hal qilish, bir qarorga kelish, oqilona ish tutish, voqeahodi-salarni oldindan ko'ra bilish layoqati. Intellekt tarkibiga idrok qilish, xotirlash, fikr yuritish, so'zlash va hakozo. psixik jarayonlar kiradi. Intellektning rivojlanishi tugma iste'dod, miya imkoniyatlari, jo'shqin faoliyat, hayotiy tajriba kabi ijtimoiy omillarga bog'liq. Intellekt saviyasi, darajasi inson faoliyatining natijalariga, shuningdek, psixologik testlarga qarab ham belgilanadi.

Aql - bu o'rghanish va muammolarni hal qilish qobiliyatidir. Aql-idrok insonning bilim qobiliyatlarini o'z ichiga oladi: sezish, idrok, xotira, vakillik, fikrlash, tasavvur.